



Пардаев Рахмиддин Нуруллаевич

ЭКСТРЕМИЗМ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАР ВА УЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ-ХУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

Аннотация: Мазкур тадқиқотда экстремизм билан боғлиқ жиноятлар ва уларнинг хукуқий таҳлилига оид масалалар ўрганилади. Экстремизмнинг турли шакллари ва унинг жиноятлар билан боғлиқлиги, шунингдек, хукуқий механизмлар ва чоралар таҳлил қилинади. Мақолада экстремистик ҳаракатлар, уларнинг социал, сиёсий ва иқтисодий сабаблари, шунингдек, бу ҳаракатларга қарши курашиш учун қўлланиладиган хукуқий ва институтционал тадбирлар асосидаги қиёсий таҳлил амалга оширилади. Шунингдек турли мамлакатлардаги экстремизмга қарши қонунлар ва хукуқий тизимларнинг таъсири ўрганилади.

Калит сўзлар: Экстремизм, жиноятлар, қонунчилик, хукуқий таҳлил, социаль сиёсат, хукуқий механизмлар, ҳалқаро хукуқ, сиёсий экстремизм, институтционал тадбирлар

Бугунги кунда экстремизм ўзининг янгича кўринишларини акс эттириб, жаҳон ҳамжамиятининг диққат марказида турган глобал муаммоларидан бирига айланиб бормоқда. Миллий, ирқий, диний, сиёсий ва бошқа мақсадларга эришиш учун экстремистик ғоя атрофида бирлашган шахслар ва гурухларнинг фаолияти дунёнинг турли минтақаларида кузатилмоқда. Бу каби ҳаракатлар давлатларнинг тинчлиги ва ҳавфсилигига турлича ҳавф туғдириб, инсониятнинг нормал ҳаётига таҳдид солмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев «Ҳозирги вақтда дунёнинг турли минтақаларида янги кескинлик ўчоклари пайдо бўлмоқда, миллатлар ва конфессиялар ўртасида қарама-қаршиликлар кучаймоқда, радикализм ва экстремизм хавфи тобора ортиб бормоқда. Мана шундай таҳликали шароитда биз барқарорлик ва ҳавфсизлигимизга зиён етказадиган ҳар қандай таҳдид ва хатарларга кескин қарши туришимиз шарт» деб айтган эдилар¹.

Экстремизм таҳди迪 бундан бир неча асрлар аввал инсоният давлатчик тарихида турли кўринишларда бўлган бўлсада, бугунги кунга келиб, ўзининг замонавий қиёфасида мақсадларига эришиш учун фаол ҳаракатланмоқда. Бу каби ҳаракатларни ўз вақтида чекламаслик, қарши курашмаслик жамиятда тезда тарқалиб, илдизлари янада чуқурлашишига сабаб бўлади.

Экстремизм билан боғлиқ фаолиятга МДҲ ва хорижий давлатларда тегишли қонунлари ва бошқа норматив-хукуқий ҳужжатлари билан қонунга ҳилоф деб топилган ва бундай фаолият учун жавобгарлик белгиланган. Жумладан, Россия Федерациясининг «Экстремистик фаолиятга қарши курашиш тўғрисида»ги, Белорусия, Қозогистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тоҷикистон Республикаларининг «Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунларини ҳамда АҚШ, Франция, Буюк Британия ва бошқа хорижий давлатларнинг «Терроризм ва зўровон экстремизмга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунлари ва норматив-хукуқий ҳужжатларини келтиришимиз мумкин. Бундай фаолият Ўзбекистон Республикасининг «Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида»ги Конунига асосан Ўзбекистон Республикаси худудида ҳам тақиқланган ва бунинг учун жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг «Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида»ги Конунида экстремизм тушунчасига «Экстремизм - ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаширишга, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзgartиришга, ҳокимиятни зўрлик ишлатиб эгаллашга ва унинг ваколатларини ўзлашириб олишга, миллий,

¹ Ш.Мирзиёев. Қорақалпоғистон Республикасида содир бўлган оммавий тартиббузарликлар юзасидан ўтказилган ийғилишдаги нутқи. Ҳалқ сўзи газетаси, 2022. <https://xs.uz/uzkr/80668>



иркій, этник ёки диний адсоват құзғатишиңа қаратаған ҳаракатларнинг ашаддай шакллари ифодасы» деб таъриф берилганды.

Шуны таъқидлаш лозимки, Россия Федерацияси Президентининг 2020 йил 29 майдагы «Россия Федератиясида 2025 йилгача экстремизмга қарши курашиш стратегиясини тасдиқлаш түғрисида»ги Фармонида, «Радикализм» тушунчаси киритилиб, унга «Радикализм - Россия Федерацияси конституциявий тузумининг асосларини қатый ва тубдан үзгартыриш, Россия Федерациясининг бирлиги ва худудий яхлитлигини бузиш истаги билан тавсифланган зўравонлик мағкурасига муросасиз содиқлик»³ деб таърифланган.

Бу борда Канада давлатининг «Зўравон радикализмга қарши курашиш стратегияси»ни кўрар бўлсак, стратегия давлат миқёсида радикаллашувнинг олдини олиш бўйича кенг жамоатчилик жалб этилган ҳолатда ишлаб чиқилган. «Зўравон радикаллашувга қарши курашиш маркази» ташкил этилган. Ушбу марказ расман 2017 йилда ишга туширилган.

Канаданинг лексикасида радикаллашув тушнchasiga «Радикаллашув – бу шахс ёки гуруҳнинг аста-секин вазиятга ва асосий ғояларга қарши бўлган экстремал позициялар ёки мағкураларни қабул қилиш жараёни»⁴ деб таъриф берилган.

Албатта, экстремизмнинг тарқалишида «радикализм» муҳим рол ўйнайди. «Радикализм» сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, «илдиз» деган маънени билдиради.⁵ «Экстремизм» ва «радикализм» тушунчалари бир бири билан боғлиқ бўлсада, айнан бир маънени англатмайди. Лекин, радикализм ғояларисиз экстремизм вжудга келмайди. Шундай экан, мазкур «радикализм» тушунчасини мавжуд қонунчиликка киритиш, қонунчилик мустаҳкамланиши ва норматив-хуқуқий хужжатлар ижодкорлигига хуқуқий асос бўлиб хизмат қиласди.

Дунёда экстремизмнинг кучайиши, экстремистик ташкилотларнинг шаклланиши ва мисли кўрилмаган фаолияти экстремистик фаолиятга қарши хуқуқий базани такомиллаштиришни талаб қиласди. Ўзбекистон миллий хуқуқ тизимини ривожлантиришнинг энг самарали йўлини ишлаб чиқиш, шу жумладан экстремизмнинг жиноий қўриниши учун жавобгарликни тартибга солиш, шубҳасиз, хорижий мамлакатларнинг жиноий қонунчилигини ўрганмасдан, унинг кучли ва заиф томонларини аниқламасдан мумкин эмас.

МДҲ давлатларидан Россия Федерацияси, Молдова, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Беларус Республикаларида «Экстремизмга қарши курашиш түғрисида»ги Қонунлари қабул қилинган. Ушбу қонунларнинг умумий жиҳати шундаки, улар инсон ва фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларни химоя қилиш мақсадида экстремизмга (экстремистик фаолият) қарши курашишнинг хуқуқий ва ташкилий асосларини белгилайди. Шуны таъқидлаш керакки, Россия Федерацияси, Беларус ва Қирғизистон Республикаларининг қонунларида «экстремизм» ва «экстремистик фаолият» тушунчалари синоним бўлса, Молдова, Тожикистон ва Ўзбекистон Республикаси қонунларида «экстремизм», «экстремистик фаолият»дан ажратилган. Шунингдек, баъзи қонунларнинг ўзига хос хусусиятлари бор, улар, «экстремизм» тушунчасининг таърифига тааллуклидир. МДҲ давлатларининг қонунчилигига ўхшаш жиҳатлари учраб туради. Чунки, ушбу давлатларнинг хуқуқ тизимининг негизи собиқ Иттифоқ даврига тулашади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида «экстремизм» сўзи ва унинг ҳосилалари Жиноят кодексининг учта моддасида учрайди. 244¹-модда «Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиши», 244²-модда «Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда қатнашиши», 246-модда «Контрабанда»⁶. Бундан ташқари экстремизм билан боғлиқ ҳаракатларни Жиноят кодексининг бошқа моддаларининг диспозицияси ўз ичига олади.

² Ўзбекистон Республикасининг «Экстремизмга қарши курашиш түғрисида»ги Қонуни

³ «Россия Федератиясининг 2025 йилгача экстремизмга қарши курашиш стратегияси».

⁴ <https://www.publicsafety.gc.ca/cnt/rsrcs/pblctns/ntnl-strtg-cntrng-rdclztn-vlnc/index-en.aspx>

⁵ <https://ru.ru.wikipedia.org/wiki/Радикализм>.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. 1994 й. Тошкент.



МДХ давлатларининг жиноят қонунчилигига ҳам шу каби ҳаракатлар тақиқланган ва миллий қонунчилиги билан тартибга солинган. Ушбу давлатлардаги жиноят қонунчилигининг алоҳида эътибор қаратадиган жиҳатлари ҳам мавжуд. Масалан, экстремизмни молиялаштириш жинояти бўлиб, МДХнинг қонунчилиги ўрганилган давлатларида ушбу ҳаракатлар учун Жиноят кодексларида алоҳида жавобгарлик белгиланган. Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилиги ва Жиноят кодексининг 155³-моддасида терроризмни молиялаштириш учун жавобгарлик белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 27.11.2021 йилда «Терроризм ва экстремизмни молиялаштиришга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиётининг айrim масалалари тўғрисида» қарори қабул қилинган ва унда террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлиши, фаолият кўрсатишни моддий ва молиявий жиҳатдан таъминлаш шакллари ҳамда судда инобатга олиниши лозим бўлган ҳолатлар кўрсатилган.

Бугунги кунда экстремизм билан боғлиқ содир этилаётган жинояtlар таҳлили экстремистик фаолият ҳам бошқа шахслар томонидан турли кўринишларда кўллаб кувватланаётганлигини кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, МДХ давлатларининг экстремизмга қарши курашиш бўйича қонунчилигига «экстремизм» ҳамда «экстремистик фаолият» тушунчалари учрайди. Мазкур тушунчаларни таҳлил қилган мутахасислар турли фикрларни билдирган.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 30 июлдаги «Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунида, «экстремизм» ва «экстремистик фаолият» тушунчалари алоҳида қайд этилган.

экстремизм - ижтимоий-сиёсий вазиятни бекарорлаштиришга, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳокимиyатни зўrлик ишлатиб эгаллашга ва унинг ваколатларини ўзлаштириб олишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзгатишга қаратилган ҳаракатларнинг ашаддий шакллари ифодаси;

экстремистик фаолият - Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми асосларини зўrлик билан ўзгартиришга, худудий яхлитлиги ва суверенитетини бузишга, ҳокимиyат ваколатларини эгаллашга ёки ўзлаштиришга, қонунга хилоф қуролли тузилмалар тузишга ёки уларда иштирок этишга, террорчилик фаолиятини амалга оширишга, зўrлик ёки зўrлик ишлатишга ошкора даъват қилиш билан боғлиқ ҳолда миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзгатишга, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид солувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этишга, шунингдек экстремистик ташкилотларнинг атрибуларини ёки рамзий белгиларини тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этишга, бирор-бир ижтимоий гурухга нисбатан сиёсий, мафкуравий, ирқий, миллий, этник ёки диний адоват ёхуд душманлик сабабли оммавий тартибсизликларни амалга оширишга, ушбу мoddанинг тўртинчи — ўнинчи хатбошиларида кўрсатиб ўтилган ҳаракатларни амалга ошириш учун ошкора даъват қилишга қаратилган ҳаракатларни режалаштиришга, ташкил этишга, тайёрлашга ёки содир этишга доир фаолияtlар киритилган⁷.

Бизнинг фикримизча, «экстремизм» ва «экстремистик фаолият» тушунчалари ўзаро боғлиқ, лекин бир-бирига нисбатан мутлақо эквивалент эмас, деб тубдан фарқлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хуноса ўрнаида айтиш мумкинки, экстремизмга қарши курашиш тўғрисидаги қонунлар барча давлатларда ўзларидаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа жиҳатлар инобатга олиниб қабул қилинган. Ўзбекистон Республикасининг бу борадаги қонун хужжатлари ҳам минтақамиздаги таҳдидлар ва унга қарши курашиш тартибини белгилаш мақсадида қабул қилинган.

⁷ Ўзбекистон Республикасининг «Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни. 2018 й. ЎРҚ 489.



Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. То‘лдирилган иккинчи нашри. – Toshkent: O‘zbekiston, 2022. – B. 253.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 71-модда. Тошкент 2023 й.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси.
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.
5. “Терроризмга қарши курашиш тўғрисида”, “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси тўғрисида”, “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Конунлари.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни. 2018 й. ЎРҚ 489.
7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. 1994 й. Тошкент.